

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

Тирик, мағур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



Ватан ягона,
Ватан биттадир

2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштари!

ISTIQBOL YO'LI

Кўштепа туманинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 марта бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbolyuli.43@mail.uz

2023 йил 5 сентябр № 34 (8476)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Муҳтарам отахон ва онахонлар! Юртимиз келажаги бўлган ёшлар! Ҳурматли меҳмонлар! Бундаҳ роппа-роса ўттиз икки йил муқаддам ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Ўтган даврда биз қанча синовларни бошимиздан ўтказдик, кўплаб қийинчлик вар машақатларни биргаликда енгидик.

Ўттиз икки йил аввал туғилган гўдак бугун ўзининг мустақил фикри, дунёқараши, орзу-истаклари ва мақсадларига эга шахс сифатида вояга етди. Худди шу сингари, бугунги Ўзбекистон ҳам, ўтган даврда турли синовларда тобланниб, тажриба ортириб, ўзининг аниқ мақсади ва ўйли, позициясига эга бўлган катта давлат сифатида шаклланди.

Бу – бутун ҳалқимизнинг тарихий ютуғи. Үнда ҳар бирингизнинг муносиб ҳиссангиз бор!

Сиз, азизларнинг Ватанга меҳр ва садоқат билан қилаётган ҳар кунлик меҳнатингиз ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу маънода, Истиқлол байрами – барчамизнинг байрамимиз, мустақил Ўзбекистон – барчамизнинг фахримиз, ифтихоримиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана шу шукухли дамларда ҳар қандай шароитда ҳам ўз қасбига содиқ қолиб, ёш авлодимизга илм-фан асосларини ўргатиб келаётган ҳурматли муаллим ва мураббийларни, ҳалиқ саломатлиги ўйлида ўзини аямасдан хизмат қилаётган жонкуяр шифокорларни, эл-юрт дастур-

хонини янада тўкин қилиш учун далала-римизда фидокорона меҳнат қилаётган миришкор деҳқон ва фермерларимизни, она юртимиз қалқонлари бўлган жа-сур ҳарбийларимизни, иқтисодиётимиз ривоҷи, ҳалқимиз фаронвонлигини ошириш ўйлида жонбозлик кўрсатадиган тадбиркорларимизни, ўзининг дастлабки ютуқлари билан барчамизни хурсанд қилаётган азму шижаотли ёшларимизни, қалб тўла меҳри, улуф фазилатлари билан хонадонларимиз устуни бўлиб келаётган ҳурматли опа-сингилларимизни, ҳар бир исда дуоғуб бўлиб, бизга Яраттандан куч ва мадад тилаб турган муҳтарам отахон ва онахонларимизни, дунёнинг қайси ўлкасида бўлса ҳам, Ўзбекистон соғинчи билан яшаётган азиз ватандошларимизни, бир сўз билан айтганда, 36 миллионлик бўтун ҳалқимизни бугунги улуф байрам билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Истиқлол айёми барчамизга муборак бўлсин!

Қадрли дўстлар! Албатта, Ўзбекистон ўз суворенитети, давлат мустақиллигига осонлик билан эришгани ўйк. Бу ўйлда аждодларимизнинг сиёсий ва маърифий интилишлари сўнгги бир ярим аср давомида деярли тұхтамади. Ҳуррият учун курашган кўплаб Ватан фидойилари қатағон этилди, истиқлолга интилган миллат қаҳрамонлари зулм ва зўравонлик қурбони бўлди.

Биз юрт озодлиги ўйлида курашган, ноҳақ айбланиб, бу дунёдан армон билан

кетган ватандошларимизнинг пок номларини тиклашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Сўнгги уч йилда уларнинг 856 нафари Олий суд томонидан оқланди. Биз бундай эзгу ишларни албаттава давом эттирамиз. Зоро, бу масалада адолат қарор топшиши шарт.

Ўтмишга назар ташлар эканмиз, аччиқ бир ҳақиқатни тан олишга мажбурмиз: "ўзбек" деганда, факат эртаю кеч пахта даласида меҳнат қиладиган заҳматкаш инсонлар тасаввур қилинар эди. Афсуски, шу даражага тушшиб қолган эдик.

Пахта хукмронлиги ўзбекнинг пешонасига ёэйланган бало бўлди. Пахта сиёсати Оролни қуритди, экологиямизни инци-розга олиб келди, иқтисодиётимизни, таълим тизимини издан чиқарди. Оқибатда бир неча авлод чаласавод бўлиб вояга етди. Биз бунинг асоратлари билан ҳалигача курашяпмиз.

Бугун пахтачлиликда бозор иқтисодиётни тамоиллари жорий этилиб, соҳа ўз эгасини топди. Натижада ўқитувчи мактабга, шифокор шифохонага қайтди, тадбиркорлар пахта "ўлпони"дан озод бўлди, мажбурий ва болалар меҳнатига чек қўйилди. Ўзбекистон ҳалқаро "кора рўйхатлар"дан чиқарилди.

Барчамизнинг фидокорона меҳнатимиз, ғайрату шижаотимиз билан Янги Ўзбекистон орзуси реал ҳақиқатга айланмоқда. Ҳалқаро майдонда Ватанимизга нисбатан ҳурмат ва эътибор тобора ортиб бормоқда.

Президент сифатида дастлабки ишла-

римдан бири қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ўрнатиш бўлди. Иллар давомида ёнимини кутаётган муаммолар ҳал этилди. Бунинг натижасида Марказий Осиё давлатлари билан барча соҳалардаги алоқаларимиз янги босқичга чиқди.

Қадрли юртдошлар!

Сиёсий мустақиллик замирида энг аввало иқтисодий мустақиллик ётиши ҳеч кимга сир эмас. Охирги илларда амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимиз бу ўйлда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат килмоқда. Сўнгги 6 йилда юртимизда ялги ички маҳсулот ҳажми 1,5 мартадан зиёд, тадбиркорлик субъектлари сони 2 карра кўпайгани, саноатдаги ўсиш 40 фоиздан ошгани буни яққол тасдиқлайди. Қисқа муддатда камбағаликни 2 баробардан зиёд қисқартиришга эришдик.

Лекин биз бугун билан кечаги кунни эмас, бугун билан эртанги кунни таққослашимиз, ишимишни шу асосда ташкил этишимиз керак. Чунки, кела-жак бугун биз ташлаётган қадамлардан бошлилади.

Азиз дўстлар!

Биз мутафаккир зотларнинг: "Давлатнинг вазифаси инсонларни баҳтли-са-датли қилишдир. Бу мақсадга эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида эришилади", деган хикматли сўзларини ўзимиз учун дастур деб биламиз.

Давоми 2-бетда ➤

АССАЛОМ, ҚАДРДОН МАКТАБ, МҮҲТАБАР УСТОЗ!



Ўша куни кўчаларни тўлди-риб, жонажон мактаби бағрига қайтаётган ўқувчиларнинг ҳаяжонларини ҳис қилиш мумкин. Соғингани — билим маскани, азиз устозлари билан юзма-юз бўлмок, синфдош,

мактабдошлар билан учрашмок, анъанага айланниб қолган Мустақиллик сабоқларини тингламоқ қанчалар завқли! Айниқса, бу йил мактаб остонасига ilk қадам қўяётган, Президент совфаси—ўқув

куроллари тўла попкаларни қабул қилиб олган 3741 нафар болажонларнинг қувончларини айтмайсизми?!

Янги ўқув йилини "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида 6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига таъмирланган ва замонавий жихозланган 6-, 11-, 13-, 40-, 49-, 50-умумтаълим мактабларининг жамоалари ва ўқувчилари ўзгача кайфиятда кутиб олдилар. Тўрт томонлама шартнома асосида таълим-тарбияга япон усулини олиб киришга интилётган 7-мактаб жамоаси ва ўқувчилари зиммаларига жуда катта масъулият олдилар. (Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларининг бирида батафсил ёритамиз).

Янги ўқув бошланиши муносабати билан 7- ва 40-умумтаълим мактаблари-

да бўлиб, устозлар ва ўқувчиларни "Билимлар куни" билан табриклигани туман ҳоқими Илесбек Новиков таълим-тарбия соҳасида давом этаётган туб ислоҳотларни юқори босқичга кўтариш, мамлакатимиз тақдирли ва кела-жак ҳурматида ҳар кадрларни тарбиялашда устозларга фидойилик тилади.

Барча мактабларда янги ўқув йилига бағишиланган тадбирлар кўтарилинида, устозлар, ўқувчиларга, ҳатто ота-оналарга ҳам янги куч-ғайрат, интилишларга рағбат баҳш этадиган руҳда ўтди.



Жараён

XUSH KELIBSI

Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ.
Ушбу суратлар ана шу жараён
лардан бирида тасвирга туширилди.

УШБУ **(2)*** Президент нутқининг
СОНДА: * Дуогўйлар, бормисиз,
омонмисиз?!

3* Тўй ҳаражатлари ва
ёш оила эҳтиёжи
меъёрлари

4* Маънавият
Ҳадислар
* Аҳли дониш дейдиларки...
* Абу Райҳон Беруний

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи

Маълумки, биз бир йил аввал тараққиётимизнинг 5 та асосий йўналишини белгилаб олган эдик. Унда таълим соҳасини ривожлантириш биринчи галдаги устувор вазифа сифатида кайд этилган.

Мен доимо таълим, таълим, муаллим, муаллим, деб таъкидлашм бежис эмас. Чунки таълимни ривожлантирасдан туриб юксак тараққиётга эриша олмаймиз. Ҳар қандай муаммонинг ечими ҳам, эртанги кунимизни ҳал қиливчи омил ҳам, шубҳасиз, таълимидир.

2022 йили мамлакатимизда 72 та янги мактаб қурилди, 279 таси капитал таъмирдан чиқарилди, 514 та мактаб эса реконструкция қилинди. Мактаблар учун 30 мингдан ортиқ компьютер харид қилинди. Янги ўкув йилидан республикамиз мактабларида хориждан маҳсус таклиф этилган 500 нафар инглиз тили мутахассислари болаларимизга дарс беради. Башлангич синф ўқувчилари илгор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган янги дастур ва дарслеклар бўйича ўқий бошлайдилар.

Худди шу каби, соғлиқни сақлаш, бизнесни ривожлантириш, суд тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ва ёқилғи-энергетика муаммоларини ҳал этиш юзасидан катта лойихалар бошланган. Яна бир бор таъкидлайман: ушбу белгиланган устувор йўналишлар бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Агар З минг йиллик тарихимизга назар ташлайдиган бўлсан, ота-боболаримиз асрлар мобайнида дунё тамаддунига нафақат жисмоний, балки интеллектуал меҳнати билан улкан ҳисса қўшганига гувоҳ бўламиш.

Биз жаҳонга фақат хомашё эмас, аввало имл-маърифат, маънавий бойлик етказиб берган не-не улуғ зотларнинг авлодимиз. Ҳеч шубҳасиз, уларга хос бўлган буюк фазилатлар, улар яратган шонли анъаналар бугун ҳам бизнинг қалбимизда, онгимизда, ҳаётимизда яшамоқда.

Мен ишонаман, биз бу тарихий йўлни муносиб давом этиришга ҳар томонлама қодирмис. Бугунги кунда дунё ҳаритасида тутган ўрнимиз, ўз олдимизга кўйётган жуда улкан мақсад ва мэрраларимиз ҳам айнан шуни тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, биз транспорт-логистика тизими билан бирга, бугун замоннинг ўзи талаб қилаётган имл-фан, инновация, IT ва ақлий меҳнатга асосланган бошқа соҳаларни жадал ривожлантиришга устувор аҳамият қараталимиз. Айнан шу йўналишлар Ўзбекистон иқтисодиётининг яқин келажакдаги асосий локомотивларига айланади.

Мұхтарам дўстлар!

Бугун бизнинг олдимизда турган яна

бир муҳим масала – экологик муаммолар ва сув танқислигидир. Тарозининг бир палласида ўсиб бораётган қурилишлар, ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳужалиги турган бўлса, иккичи палласида ҳар биримиз учун ёнг зарур бўлган сувни тежаш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи туриби.

Бизнинг вазифамиз – ҳар иккى йўналишида ҳам мувозанатни сақлашдан иборат. Ҳеч қачон унутмаслигимиз лозимки, табиий ресурслар – бу келажак авлодларимизга ҳам тегишли бўлган бойлидир. Шу боис, улардан нафақат бугунги, балки эртанги кунимизни ҳам ўйлаб, оқилона фойдаланишимиз зарур.

Бу борада сувни, энергия ва бошқа табиий ресурсларни тежайдиган иқтисодиётта тезроқ ўтиш муҳим аҳамиятга эга. Биз учун “яшил” ва рақамли технологиялар, инновацион ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш вазифаси ҳам долзарб бўлиб туриди.

Қадрли юртошлар!

Янгиланган Конституциямизда Ўзбекистоннинг дунёвий давлат ва турли маданиятларни бирлаштирган макон экани аниқ белгилаб кўйилди. Бизнинг куч-қудратимиз – мана шунда, биз бу бойлини кўз корачигиде асраримиз керак. Тарихга қарайдиган бўлсан, асрлар давомида ўртиимида турли хил эътиқод ва қарашлар, динлар, маданиятлар бағрикенглик билан қабул қилинганини кўрамиз.

Биз – низоларни уруш билан эмас, тинчлик билан ҳал этиш йўлини танлайдиган ҳалқимиз. Биз барча ҳалқлар билан ҳамиша муросаи мадора, дўстлик ва ҳамкорликда яшаб келганимиз. Бугунги тараққиёт йўлумизда ҳам айнан шу таймилларга таянмиз.

Бизга, биринчи навбатда, кучли фуқаролик жамияти зарур, чунки ҳар қандай ислоҳот ҳар биримизнинг юрагимиздан, онгимиздан бошланиши лозим. Адолатли конунлар бўйича вижданан яшашга тайёр бўлишимиз, мамлакат келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб, олға қадам босмогимиз керак.

Бугун ривожланган фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳақида гап борар экан, буни сўз ва матбуот эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бутун дунёда журналистлар ўзлари ва жамиятни ўйлантираётган, хавотирга солаётган мавзулар ҳақида гапириш ва ёзиш ҳуқуқи учун, ҳақиқат учун курашганлар ва бундан кейин ҳам курашадилар.

Аммо, ишонч билан айти оламанки, мен эркин фикрли журналистлар тарафида бўлганман ва доимо шу позицияда бўламан. Айни вақтда ахборот маконида ҳақонийлик ва холислик бош мезон бўлиши керак.

Ҳурматли байрам қатнашчилари! Буюк мәърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда, “хотин-қизлар – бу миллат оналаридир”. Улар миллатнинг янги насли – фарзандларини тарбиялаш учун ўзлари ҳам юксак билимли бўлишлари зарур.

Шундай экан, олдимизда турган яна бир муҳим вазифа – жамият ҳаётининг барча соҳаларида аёллар учун тенг имкониятлар яратишdir. Ҳурматли хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг ҳуқук ва манбаатларини, касб соҳаси бўйича ушишини таъминлаш борасида ўтган даврда кўп ишларни амалга оширидик. Шу билан бирга, бу йўналишда қиласидиган ишларимиз ҳам оз эмас.

Маълумки, мұхтарама аёлларимиз зиммасида хизмат соҳасидаги вазифаси сидан ташқари, фарзандлар тарбияси, оилада соғлом мухитни мустаҳкамлаш, ахлоқий-маънавий анъаналарни давом этиришдек мураккаб вазифалар ҳам бор. Шундай экан, меҳрибон опа-сингилларимизни ҳар қанча қўллаб-кувватласак, арзидай.

Мана, бу йил оиладаги зўравонликка қарши қонунни қабул қилдик. Бундан кўзланган асосий мақсад – оилалар мустаҳкамлигини, аёлларимизнинг бахти ва химоясини таъминлашдир. Биз бу йўналишдаги ишларимизни бундан кейин ҳам изчил давом этирамиз.

Азиз юртошлар!

Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди ҳалқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билмоғи керак!

Биз бир бўлсан – ягона ҳалқимиз, бирлашсан – Ватанимиз!

Ҳурматли юртошлар!

Инсоният охири беш-олти йил мобайнида сўнгги ўз йил давомида ўз бошидан ўтказиши мумкин бўлган барча синовлар билан юзма-юз келгани сизларга маълум.

Бу пандемия бўладими, табиий оғатлар, зилзилалар бўладими, куролли тўқнашувлар, глобал исиси ҳамда қурғоҷилик бўладими – барчаси башариятни қаттиқ синовдан ўтказди ва ўтказмоқда. Мазкур мураккаб вазиятни, таъбири жоиз бўлса, кучли ва қаттиқ тўфонга қиёслаш мумкин.

Бундай оғатлар оқибатида “мана-ман” деган дараҳтларнинг ҳам барглари узилиши, шохлари синиши, куртаклари тўқилиши, ҳатто мевалари нобуд бўлиши мумкин. Лекин илдизи мустаҳкам ва чуқур бўлган дараҳтлар йиқилмайди. Аксинча, ерга ўша томирлари билан янада маҳкам боғланади. Қайта куртак ёзади, мевалар тугаверади. Бу – ҳаёт қонуни.

Бизнинг қадимий ва мустаҳкам илдизларимиз бор. Бу – бизнинг тарихимиз, қадрият ва анъаналаримиз, урф-одат-

ларимиз, миллий ўзлигимиздир. Мен ана шу теран илдизларимизда юртни, миллатни бирлаштирадиган буюк бир ногин кўраман.

Биз Ватанимиз мустақиллиги, ҳалқимиз тинчлигини таъминлашнинг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кўчларимиз салоҳиятини оширишга, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун янада муносиб шароит яратишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Дунёнинг олис ва яқин мамлакатлари, айниска, қўши давлатлар, ҳалқаро ва минтақавий ташкилотлар билан дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқамиз. Бу борада мамлакатимиз ва хорижий давлатлар дипломатларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда хорижий давлатларнинг ҳурматли эҷиллари, ҳалқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этажидан маддатли ҳалқимиз учун, сизлар учун, азиз юртошлар!

Барчангиз бир ҳақиқатни билишингизни истардим. Бизнинг жамики саъй-ҳаркатларимиз мамлакатимиз равнақи учун, ўз Ватанига садоқатли ҳалқимиз учун, сизлар учун, азиз юртошлар!

Буғун олдимизда турган вазифалар қанчалик улкан ва мураккаб бўлмасин, уларни биргалиқда ҳал этишга кучимиз ҳам етади.

Биз энди кечаги одамлар эмасмиз. Ҳалқимиз ҳам кечаги ҳалқ эмас.

Тарихдан маълум: вақтни – имкониятта, имкониятни – ютуққа, ютуқни таракқиёт пойдеворига айлантира олган ҳалқ – буюк ҳалқдир. Буғун меҳнаткаш, мард ва олижаноб, меҳр-оқибатли элимиз айни ўндаётган ҳалқ бўлиб майдонга чиқмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишда фидокорона меҳнат қилиб келаётган барча юртошларимизга, она ҳалқимга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сиз, азизларни, каттаю кичик барча ватандошларими бугунги улуғ айём – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги билан янада бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, ҳонадонларингизга баҳту саодат, файзу барака тилайман.

Барча ютуқ ва ғалабаларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган ҳалқимиз ҳамиша омон бўлсин! Гўзал юртимизда тинчлик ва осоишталик бардавом бўлсин!

Жонажон Ватанимизга кўз тегмасин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Қадриятларимиз

ДУОГҮЙЛАР, БОРМИСИЗ, ОМОНМИСИЗ?!



орттиғи билан бажарган туманимиз меҳнаткашлари пахта мавсумида ҳам пешқадамлар сафида бўлишига ишонч билдириди.

Туман ҳокими Илесбек Ҳовиков Янги Ўзбекистоннинг энг чекка

давлатимиз равнақи, ёш авлод баркамоллиги ҳамда ҳалқ фарвонлиги йўлида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига тўхтариб, бу даврада айтилган ният-режалар Қўштепанинг эртанги ёруғ кунида акс этиши шаксиз эканлигини, пахта мавсумига уюшмаган аҳолини сафарбар этишда гапга-сўзга етар отахон-онахонлар жонбозлик кўрсатишига ишонч билдириди.

Фархийлар ўтганлар руҳига атаб қилинган Куръон тилватидан сўнг зиёратгоҳдан кўнгиллари тоғдек юксалиб, эъзоzu эътибордан фахр-ифтихорга тўлиб тарқалдилар.

**Ўз мұхбирумиз
Ёрқиной ҚОСИМОВА
олган сурат**

Мамлакатимизда энг улуғ, энг азиз айём шукухи кезиб юрган кунларда “Дўрмон” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган “Келарчи бува” зиёратгоҳи ҳар доимигдан ҳам ўзгача файз касб этиб, эрта тонгдан байрамона тадорик бошлашиб кетди. Сўлим даргоҳнинг шаркона айвонига дастурхон ёзилиб, ноз-неъматлар билан зийнатланди, лазиз таомлар ҳозирланди. Бу гун бу ерда туманимизнинг қишлоқ ҳужалиги ҳамда бошқарув соҳасида меҳнат қилган юз нафардан ортиқ фахрий нуронийлари жам бўладилар.

Дўрмонлик ёш фаол кадр Нодирбек Машрапов ташаббуси, туман раҳбарларининг кўллаб-кувватлаши билан

ташкилланган шукrona давра ту- манимизда бошланажак қизин жараён-пахта тери- ми олдидан ўширилди. Унда ўн-ийирма йиллар кўришмаган қадронлар дийдорлашиб, бир пиёла чой устида дилдан сухбатлашилар. Даствлаб ул

Ташаббус: муаммонинг ечими ўз қўлимиизда

Хабарингиз бор, 2019 йил 14 сентябр куни Олий Мажлис Палаталари-нинг қўшина Кенгаси “Тўй-ҳашамлар, оиласий тантаналар, маърака ва маросимлар, мархумларнинг хотирасига багишланган тадбирлар үтказилишини тартибга солиши тизимини таомиллаштириши тўғрисида” қарор қабул қилган ва у 2020 йилнинг январидан кучга кирган эди.

Қарорнинг мазмун-моҳияти дабдаба ва даҳмазаларга ўч ўзбегимнинг тўй ва бошқа маросимлар ортидан чекаётган моддий ва руҳий азиятларига чек қўйиш орқали оиласарда соглом овқатланиш ва турмуш тарзини қарор топтириши, шу аснода ота-оналарнинг умрни узайтириш, оиласарни мустаҳкамлашни назарда тутади. Аммо, тўй ва маросимларни тартибга келтириши бўйича бир қадар ҳаракатлар қилинган бўлса-да, ҳали ҳозирча пировард мақсадга эришигани ўйқ; бундай тадбирлар ҳамон дабдаба ва даҳмазалар исканжасида қолмоқда. Тегиши мутасаддилар эса бепарво, ҳатто уларниг шитирокчисига айланниб қолаётгани тааҗисубланарлидир.

Тўй-ҳашамлар ортидан дуч келинаётган муаммоларни ўзимиз келтириб чиқаряпмиз ва уни ўзимизгина бартараф эта оламиз. Яқинда Президентимиз тўйларни тартибга келтириш ҳақидаги жиддий ва айни пайтда аксарият замондошларимизнинг бу борадаги дардига малҳам бўладиган масалани илгари суриб, маҳалла мутасаддиларига тегиши топшириклар берган фикрларини тингладик.

Ҳақиқатан ҳам тўйлар “тизгини”ни маҳалла мутасаддилари кўлга олмас экан, уларни тартибга солиб бўлмайди. Биз, бундан ўттиз йиллар илгари тўйларни бир кунда үтказиш ҳаркатининг ташаббускори, “Ойдин” газетаси бosh мухаррири Хадиҷаҳон Каримованинг вилоят хотин-қизлар қўмитаси топшириғига кўра, бундан беш йил аввал матбуотда эълон қилган тўй ҳаражатлари меъёрларини маъқуллаган ҳолда, уларни яна бир карра эътиборингизга ҳавола этишини даркор билдик.

Меъёрлар белгиланган мақолада ёзилганидек, тўй ва маросимлар ҳеч кимнинг шахсий иши эмас. Тавсиялар тегиши тартибда ўрганилиб, чора-тадбирлар белгиланса, ўзбеккина ўзбегимнинг емай-ичмай, меҳнат-машқат билан топғанлари ортиқча дабдабаларга совурилишининг олди олинган ва улар соглом авлод, соглом оила эҳтиёжи учун сарфланишига имкон яратилган бўлур эди.

Сиз, азизларга, аввало қудачилик ришталарини боғлашда шошма-шошарлик қилмасликни, бойлиқ, амал эмас, дунёкашлар бир-бирига мос эканлигига эътибор беришни сўраймиз. Икки томон ва ёшлар бир-бирига муносиб топилса, тўйгача “олди-берди”лар меъёрларини

“...дан-...гача” тарзида қўйидагича белгилаш тавсия қилинган экан ва булар, бизнингча ҳам кўпчиликка манзур тушади:

-оқ кийди” маросими келин ўғсан хонадонда йигит томондан қелган икки-уч аёл шитирокида ташкил этилса.

Ноз-неъматлар ҳам шунга яраша келтирилади. Улар келинга: битта палто, битта плаш, битта жемпер, икки-уч қатор мавсумий тайёр тикилган қўчали либослар, 2 та халат, 5-6 сидра материал, шунга яраша рўмол, шарф, уйли-қўчали қилиб мавсумга мос тўрт хил пойабзал келтирсалар. Табиийки, қизнинг ота-онаси, ўзи ҳам йиқкан бисотлар, тақинчоқларини қўшганда, улар бир келин учун анча вақтга етади.

Табиийки, келин томон ҳам кўевга саруло қилади. **Бу саруслар ўзбекона чопон, қийик, дўппи, костюм-шим, жемпер, иккита мавсумий кўйлак, уйли либос, 2-3 та пойабзал қилинса, кифоя қилади.** Ахир кўев боланинг ҳам ўст-бошлари бўлади-ку.

Ёш оиласа аксарий хонадонларда

юз, минг нафар меҳмон чорлаб тўй ва маросим үтказиш одамни ҳам жисман, ҳам маънан қийнаши тайнин. Дабдабали тўй қиламан деб қарздор бўлиб қолаётгандар қанча.

Таклиф этиладиган меҳмонлар сони меъёрластирилгандан кейин қиз томонга бериладиган харажатлар ҳам қисқаради-да. **Бунинг учун, бизнингча, икки қоп ун, 30-40 килограмм гуруч, битта қўй, шунга яраша ёғ ва сабзавот жўнатилса, кифоя қиласи.**

Никоҳни расмийлаштириш маросими тўйхонанинг ўзида, меҳмонлар шитирокида икки

иштирок этган хорижлик меҳмонлар “сизлар овқатланиб турб пулни ушлайвераркансизлар. Ахир бу гигиенага тўғри келмайди-ку! Микробни ўз қўлларинг билан истеъмол қилавераркансизлар. Мутахассислар энг кўп микроблар пулда бўлишини аллақачон исботлашган” дея эътироуз билдириганди. Дарҳақиқат, дастурхон устида пул билан муомала қилиш маданиятсизликдан бошқа нарса эмас.

Яна бир таклиф тўйдан кейинги оворагарчиликлар ва улардан воз кечиш ҳақида бўлади. У ҳам бўлса, қиз узатган хонадондан кўёв

томонга дастлабки кунлари уч маҳал, кейин икки маҳал, кўп жойларда бир ойгача бир маҳалдан таом жўнатиб турилиши хусусидадир. Нима, қиз тушган хонадон қозонини “сувга солиб” ўтиармиди.

Дастёргина қизини узатган ота-оналар энди уйда хотиржам ўтиришига изн берайлик. Айрим диёнатли қудалар бундай илтифотни бас қилишни талаб қилаётгандар ҳақида ҳам эшишиб қоламиз, улар барака топишсин. Оиласар билан доимо мулоқотда бўладиган маҳалла фаоллари, оқилалари бундай одатга чек қўйишда бош-қошлиқ қилмасалар бўлмайди. Қизини узатган оиласадан сийлов кутиш аслида инсофдан эмас-да.

Шу ўринда ёш оила фарзанд кўргандага, қизнинг ота-онаси томонидан қудалар, кўёвларга қилинадиган сийловларни ҳам тартибга солмоқ даркор. Кўёвга “қўки”дан, қайнонага ўзук тақишигача борган айрим ўзига тўқ одамлар жорий этган бу сийловлар жуда ножоиз одатларидир. **Бизнинг назаримизда, бундай пайтда фақатгина чақалоқни йўқламоқ ўринли.**

Тўй ва ҳашамларда ортиқча ҳаражатарга барҳам берила ва улар сифатли овқатланишга, хонадонда яшаш учун кулай шароит яратишга сарфланса, ота-оналарга ҳам санаторийларда дам олишга имкон яратилса, умримизга-умр кўшилади, албатта.

Маҳалла фуқаролар йигинлари қошидаги тўй ва маросим комиссиялари ҳаракатсизлигига барҳам бериб, изчил фаолият бошлашлари зарур. Биз ҳавола этётган меъёрлар барча маҳаллаларда ўрганилиб, турмушга табтиқ этилиши юзасидан кенгашлар қарор қабул қиласалар ва унинг ижросини таъминлаш чораларини кўрсалар, ҳам давлат, ҳам жамият аҳамиятига молик иш қилган бўладилар. Бу ишнинг бошида маҳалла раислари бадастр тумоқлари шарт.

Ҳамонки, бу маросимлар жамиятимизнинг негизи ҳисобланмиш оила ҳаёти ва турмушига даҳлдор иш экан, улар дабдабаларсиз, ортиқча ҳаражатларсиз, мазмунли, вакт аталмиш энг буюк неъматни исроф қилмаган ҳолда ўтишига ҳар биримиз жавобгармиз. Бу Сизу бизнинг мамлакатимизда соғлом турмуш учун бошланган умуммиллий ҳаракатига қўшадиган муносиб ҳиссамиз бўлади.

Келинглар, давлатимиз раҳбари ва қўшина қарор талаблари асосида тўйларимизни даҳмазаларсиз, мазмунли ўтказишга астойдил бел бойлайлик.

ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БЎЛИМИ.

ТУМАН “ОҚИЛА АЁЛЛАР” ҲАРАКАТИ АЪЗОЛАРИ.

ТЎЙ ҲАРАЖАТЛАРИ ВА ЁШ ОИЛА ЭҲТИЁЖИ МЕЪЁРЛАРИ



икки хона ажратилса, етарли бўлса керак. Ётоқхонани куёв томон, меҳмонхонани келин томон мебел, гилам, пардалари билан жиҳозласалар. Келаётган келинга “фалонча уй бердим”, деб ҳаммасини жиҳозлашидан умидвор бўлиши таъмагирликдан ўзга нарса эмас.

Бугунги замонавий келинларга иларигиларга ўхшаб қатор-қатор кўрпа-тўшаклар тайёрлашга ҳожат қолмади. **Якандоз эса ўзбекка ҳамиша асқотади. Уни 12 тадан 16 тагача қилинса. Ана шунда 6-8 той пахта беришга эҳтиёж ҳам бўлмасди. Паҳтанинг 50-60 килограмми етарли бўлади. Келин қилиб келадиган бисотлар орасидаги одеял, ёпинчиқлар, 4-6 тагача, ястиқлар 12-20 тадан ошмаса, филофлар ҳам шунга яраша бўлади, албатта.**

Эҳтиёждан ортиқча кўрпа-тўшаклар ўрнига **келин бисотлари орасида ёш оиласининг маънавий эҳтиёжини қондирадиган ноёб китоблар бўлганига нима етсин!** Бундан ташқари, ортиқча, даҳмаза бўлган “ота кўрди”, “чақириди” маросимларига кетадиган ҳаражатлар ўрнига ҳар икки ота-она ёш оила рўзгори учун энг зарур воситалар: телевизор, кир ювиш машинаси, печ, дазмол ва ҳоказолар олинишига бош-қошлиқ қилсалар, айни мудда бўларди.

Тўй одам билан албатта. Аммо таклиф этиладиганларнинг ҳам меъёри бўлиши даркор. Қўшина қарор, икки томон қўшилиб тўй маросими ўтказса, меҳмонлар 300 нафар атрофида бўлиши белгиланганди. Бизнингча, ҳар ким қариндош-уруғи, маҳалла қўйи оз-кўплигига қараб, **меҳмонлар сафини 100дан 150 нафаргача бўлишини таъминласа, маъқул бўлади.** Пандемия даврини бир эслайлик: 30 киши билан ҳам тўйлар ўтган. Бу, одамларга қанчалар енгиллик берган эди. Беш

ёшга оила масъулиятини обдон тушунтирган ҳолда ўтказилганига етмайди. Шундай қилинса, ортиқча даҳмазаларга ўз-ўзидан чек қўйилади.

Агар маросим тўйхонада ўтадиган бўлса, икки томон келишиб, битта тўйхонада—бир ёнда куёв томон, бир ёнда келин томоннинг меҳмонлари кузатилса, ҳаражатлар келишиб ўртада қилинса, нур устига аъло нур бўларди. “Юз очди” маросими, “Келин салом” жараёни ҳам шу тўйхонанинг ўзида хотин-қизлар иштирокида ўтказилса.

Меъёрлар таклиф этилган мақолада муаллиф ўтказилаётган тўйларнинг мазмунига ҳам алоҳида аҳамият бериш даркорлигига эътибор қаратади: “Аксарий тўйларда келин-куёвларга кўпчилик олдида табрик аносида Аллоҳнинг изни билан остонасига қадам кўяётган гўша жуда муқаддаслигини, сабр-токат, меҳр-оқибат, сид-у садоқат билан-гина унинг мустаҳкамлиги ва бардавомлигига эришиш мумкинлигини, қайнона-қайнота, қайнобўйинлар олдида келинлик, куёвлик бурчи, масъулиятини ўқтиришдан кўра тўйхоналар санъаткорлар учун пул ийғиб берадиган фалा-ғовур, тўс-тўполон даврага айланниб кетади.

Тўйларимиз мазмун-моҳияти икки ёшнинг бекам баҳтига мустаҳкам пойdevor қўйишга, оила масъулиятини таъминлашни ўфтотишига хизмат қилмаса, кимларнингдир тирикчилик манбаига, ҳойи-ҳаваслар майдонига айланниб кетса, бундай ҳаражатлар, оврагарчиликлар бесамар кетиб, қўйи-чиқдилар камаймайди.

Санъаткорларнинг иштирокисиз тўй-тўй эканми? Бизнингча, тўйларга жозиба бағишладиган **қўшиқчи, созандалар аввалдан келишибланган ҳолда рози қилинса, кўпчиликка малол келадиган “қистир-қистир”ларга барҳам бериларди.** Ўзбекнинг тўйларида

**Расууллоҳ
(с.а.в.)
ҳадисларидан**



Яхшилик ўйқ бўлиб кетмайди. Гуноҳ унтутилмайди. Ҳисоб-китоб қилувчи ўлмайди. Хоҳлаган нарсангга амал қил, қилишингга яраша жасо оласан.

Байҳақи ривояти.

Биродаринг юзига табасум қилишинг, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришинг, залолат ерида кишини ҳидоятга бошлashing, ўйдан тош ва тикан ҳамда сяякларни бартараф қилишинг—буларнинг бари сен учун садақадир.

Бухорий ривояти.

Аллоҳнинг бандалари, даволанинглар. Албатта, Аллоҳ таоло бир касалликни қўядиган бўлса, унинг давосини ҳам қўйган. Лекин бир касаллик, яъни қариллик унди эмасдир.

Аҳмад ривояти.

Ўзаро раҳм-шафқат, меҳр-муҳаббат, меҳри-бонлик кўрсатишларида мўминлар худди жасадга ўҳашашларини кўрасиз. Агар жасаднинг бирор ери оғриса, бошқа жойлари ҳам бедорлик ва иситма илиа безовта бўлади.

Бухорий ривояти.

Садақа беринглар, сизларга шундай бир замон келади, бир киши садақаси билан боради ва оладиган одамнинг олдага келса, у: “Агар кечга келганингда, қабул қиласр эдим. Ҳозир эса, унга менинг эҳтиёжим ўйқ”, дейди. Берувчи қабул қиладиган кишини топа олмайди.

Хориса ибн Ваҳҳ (розияллоҳу анху)дан

Бухорий ва Муслим ривояти.

Таом улашасан, танигана ва танимаган кишиларга салом берасан.

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анху)дан

Бухорий ва Муслим ривояти.

Кенгчилликда Аллоҳни танигин, У ҳам сени қийинчиллик пайтида танийди. Билгинки, сенга етмажон нарса, сенга етадиган эмас эди. Албатта, нусрат (ғалаба) сабр билан бирга, албатта, шодлик ғам илиа бирга, қийинчиллик енгиллик билан бирга бўлади.

Бухорий ва

Муслим ривояти.

“2002 ҳадис”дан.

(Ҳадиси шариғларда одоб-ахлоқ зикри).

“Мунир” нашриёти.

Тошкент-2022 йил.

Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб
доно бўлур,
Қатра-қатра ишилиб
дарё бўлур.
Алишер НАВОЙИ.

Аҳли дониш дейдиларки...

Билимни буюк, ўқувни үлуғ бил

Билимни буюк, ўқувни үлуғ бил,

Бу иккиси танланган бандасини улуғлайди.

Заковат қаерда бўлса, улуғлик бўлади,

Билим кимда бўлса, буюклиқ олади.

Одамнинг кўнгли тубсиз чукур денгиз кабидир, билим эса инжу каби унинг тубида беркинган бўлади.

Юсуф Хос ХОЖИБ

Ҳар кимки илм-ҳикматни деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ-саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, хиёнат, мақр ва ҳийладан узоқ бўл-

син, диёнатли бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотик бўлсин, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол-дунёсини аямасин.

Абу Наср ФОРОБИЙ

Илм билан давлат ҳеч ҳам келиша олмайди, кимда-ким илмни бойиш манбай қилиб олса, у узоққа бормайди, ярим йўлда ҳалок бўлади.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Ҳақиқатни очинглар, тўғри йўлдан юринглар. Бир-бiringиздан илм ўрганиб, камол топишингиз учун дил пардасини очиб ташланглар.

Абу Али ибн СИНО

Илмли бўлиш бир баланд тоқقا чиқиш каби кўп машиқатлидир, лекин ундан тушиш осондир, жоҳиллиги нодонлик булоги чукур чашма мисоли бўлса-да, бироқ у кўп қийинчилигу азобларга гирифтор қиласди.

Махмуд ЗАМАХШАРИЙ

Олим агар жоҳ учун ўлса залил, Илми анинг жаҳлиға бўлғай далил.

Алишер НАВОЙИ

“Инсоний фазилатлар ҳақида ҳикматли сўзлар”дан. “Янги аср авлоди”. Тошкент-2019 йил.



Мактаб остона-сига қўйган қадаминг қутлуғ бўлсин, болажон!

Қўҳна шарқ дарғалари

ҲАЁТИ...

Қомусий билим сохиби Абу Райҳон Беруний 937 йили Хоразмнинг Кот шаҳрида дунёга келади. У дастлабки таълимни она шаҳрида олади, ёшлигидан аниқ фанларга, тил ўрганишга қизиқади. Уша даврнинг машҳур олими Абу Наср ибн Али Ироқдан (астрономия) илму нужум, риёзиёт (математика)дан дарс олади: ўн саккиз яшарлигига илк астрономик кузатишларини Хоразм обсерваториясида ўтказади. Бушкотир деган жойда юлдузларни кузатганда Беруний етук олим даражасига етганди. Беруний қадимги хоразм, сўғд, юнон, сурённий ва қадимги хинд тили—санскритин пухта ўрганади.

Қораҳонийлар ва фазнавийлар зарбаларидан сўнг марказлашган Сомонийлар давлати ларзага келади. Сомонийларга тобе бўлган Хоразмда тож-тахт учун кураш кучайиб кетади. Йигирма икки яшар Беруний ватанини тарк этиб, Эроннинг Рай шаҳрига боради: кўп олимлар билан, жумладан, астрономик асбоблар ихтиориси Абу Махмуд Хўжандий билан учрашади. Икки йилдан сўнг Беруний ўз она шаҳрига келади. Бухоролик ёш олим Ибн Сино билан муносаралар ўтказади. 998 йили Гурганж вилоятининг амири Қобус ибни Вашмгир Берунийни ўз саройига таклиф қиласди. У бу ерда Абу Саҳл Масиҳий билан дўстлашади. Масиҳий астрономия ва математига оид 12 та рисолосини Берунийга бағишилган.

Беруний бу ерда жиддий ижодий ишлар билан шуғулланади ва Қобусга бағишил “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарини ёзади.

Хоразмшоҳ Али ибни Маъмун (998-1009) ва, айниқса, Абдуллабbos Маъмун ибни Маъмун (1009-1017) давлатининг янги маркази Урганч тез ривожланади. Ўз юртига қайтиб келган Беруний Маъмуннинг ҳомийлиги ва хайриҳолиги билан бу илмий-маданий марказ тараққиётiga катта хисса кўшади. Беруний ўша йиллар “Қуёш ҳаракатини аниқлаш йўли”, “Геодезия” сингари тадқиқотлар муаллифи бўлиб, олим ва фозиллар орасида обрўй баланд эди. Абу Раҳон Беруний Султон Махмуд

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ



хуқмронлиги даврида Шимолий Ҳиндистоннинг кўп вилоятларига саёҳат қиласди. Умуман, Беруний Шарқнинг Рай, Журжон, Бағдод, Жузжон, Балх, Бомиён, Фазна, Қобул, Динпур, Пешовар, Жайлам, Лоҳур, Мўлтон, Бадахшон, Аттон каби илғиримадан ортиқ шаҳарларида бўлган. У 13 йил давомида хинд халқи адабиёти, маданияти, тарихи, урғ-одатини ўрганиш билан шуғулланиб, “Ҳиндларнинг ақлга сифадиган ёки сифмайдиган таълимотларининг ҳақиқатини аниқлаш” ёки “Ҳиндистон” рисолосини ёзади. Беруний умрининг охирги йилларида “Минералогия”, “Қонуни Маъсъудий”, “Сайдана” сингари асарлар яратган. Беруний астрономия ва математика фанларига кўп янгиликлар кирилади: у тузган тригонометrik жадваллар аниқлиги билан бошқа жадваллардан ажралиб турган. Тиббиётга бағишилган “Сайдана”да миндан ортиқ доривор моддаларни таърифлаган. Уларнинг номини 30 тилда берган Беруний ўз асарларини ўша давр илмий анъанасига кўра араб тилида ёзган, шеълар битган, араб шоирларининг шеъларини шарҳлаган.

Абу Раҳон Беруний ҳоқимлар ҳузурида катта обрў ва эътиборга эга бўлса ҳам изланиш, ижодни ҳар қандай мансаб-мартабадан устун қўйган, бойлиқка интилмай камтарона ҳаёт кечирган. Чунончи, Қобус ибни Вашмгир унга вазирилик мансабини инъом этганда

қабул қиласди. “Қонуни Маъсъудий” китобини ёзib тутгатганда фазнавийларнинг сўнгги ҳокими, математика ва астрономияга ихлосманд Султон Маъсъуд унга бир фил кумуш танга жўнатади, лекин Беруний “бунга менинг эҳтиёжим йўқ” деб совғани қайтариб юборган.

Берунийнинг 152 та асар ёзгани, 1036 йилгача битилган китоблари рўйхатини шахсан ўзи тузгани бизга маълум. Афсуски, бу асарлардан 30 тасигина бизгача сақланиб қолган. Беруний Шарқ олимлари орасида дунёning энг муқаммал харитасини чизган, 995 йили ер шарининг шакли—глобусни ясаган. Буюк бобокалонимиз 1048 йили Фазнада вафот этган.

ҲИҚМАТИ

Киши кўнгли тартибли ва келишган нарсаларга мойил бўлади, тартибсиз нарсалардан нафрлатданади.

Нодонлик бедаво дарддир.

Инсон фаннинг у ёки бу соҳаси ҳақида илмий амалиётга ва аниқ тадқиқотларга сяянган ҳолдагина мулоҳаза юритишга ҳақлидир.

Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.

Ёлғончилик кишини адолатдан юз ўғиртиради.

Билиминг шундай нарсаки, у яланоч бўлганингда ҳам ўзингда қолади, ҳаммомга кирсанг сув билан ювиб бўлмайди. Билим қайтариш ва тақрорлаш мевасидир.

Ёмонликнинг шоҳобчалари кўп бўлса, уларнинг асоси тама, ғазаб ва илмизликтидир.

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўзишини қойил қилиб бажаришидир.

“Кўҳна шарқ дарғалари”дан.

“Шарқ” нашриёт-матбаа концернинг бош таҳририяти.

Тошкент-1999 йил.